КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 14 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (10.670)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

*Тадбиркорлик*

## КЎРКАМ ВА БЕТАКРОР БУЮМЛАР

**ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОР ЎЙЛАНАДИ, ИЗЛАНАДИ, ЯНГИЛИК ЯРАТАДИ. ЯНГИЛИК ЭСА, АЛБАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИДИР.**

**СУРАТДА: дизайнер-рассомлар Юля Михаева ва Людмила Кипер бор маҳоратларини ишга солишмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

Кетма-кет туғиладиган янги ғояларнинг, ана шу ғоялар асосида иш юритиб ютуқларга эришишнинг ўз гашти бор. Пойтахтимизда 10 йилдан буён фаолият юритаётган «SHEP-AZ-TEXNO» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам бу борада анчагина тажрибага эга. Шу боис бўлса керак, улар томонидан тайёрланаётган 200 турдан зиёд хилма-хил чинни ва сопол буюмлари ҳамиша харидорлар эътиборида.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидоргирлиги биринчи навбатда сифати ва кўринишига боғлиқ. Шунинг баробарида бозор талаби, харидор эҳтиёжи ҳам ҳисобга олиниши лозим. Негаки, бугунги кунда омбор учун ишлайдиган даврлар ўтиб кетди. Нафақат ой ёки ҳафта, балки соат сайин харидорнинг диди ошмоқда. Бозорда ўрин топаман, доимий буюртмачига эга бўламан деган тадбиркор ана шунга эътибор қаратади.

Корхонада йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажми, шунга яраша маҳсулот турлари ортиб бораётганининг асосий боиси ҳам шу бўлса керак. Булар қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳам имкон бермоқда.

— Шундан мамнунмизки, — дейди корхона раҳбари Азамат Абдуллаев, — меҳнатларимиз самарасини ҳукуматимиз ва Президентимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларида, яратилаётган имконият ва белгиланаётган имтиёзларда яққол кўряпмиз. Жорий йилда «Ташаббус— 2006» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлиб, ғолибликни қўлга киритганимиз ҳам ана шундай қўллаб-қувватлашлар самарасидир.

Бу йил жамоада 80 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, янги маҳсулотларнинг ўнлаб турлари харидорларга етказиб берилмоқда. Айни пайтда 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада барча сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, дизайнер-рассомларнинг хизматлари товар харидоргирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётимиз ривожига тадбиркорлик фаолияти билан ҳисса қўшишга интилаётган ишбилармонлар Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳам ҳамкорликда саъй-ҳаракат қилишмоқда. Ушбу ҳамкорлик самараси эса четга маҳсулот чиқариш, яъни экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Тадбиркорлар ушбу ниятни жорий йил охиригача амалга ошириб, кўркам ва бетакрор чинни ҳамда сопол буюмларни қўшни давлатлар харидорларига тортиқ этишади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

## Қисқа сатрларда

**●БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг марказий кутубхонасида ўтказилган «Гиёвандлик — инсоният душмани» мавзуидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

**●«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан туман маҳаллаларининг фаол ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Дин ва ёшлар» деб номланди.

**●КЕЧА** Учтепа туманидаги «Меҳригиё» клубида меҳрга ташна болаларнинг ёзги таътилда мароқли дам олишларини таъминлаш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

**●БУГУН** Сергели туманидаги Бобур маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Кўчма спорт ўйинлари» мусобақалари бўлиб ўтди.

**●КЕЧА** Шукур Бурхонов маҳалласида ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида миллий қадриятларни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш хусусида фикр алмашилди.

**●КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий маҳалласида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва манавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбирда маҳалланинг жамият тараққиётидаги ўрни муҳокама қилинди.

**●КЕЧА** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбирда маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш масалалари атрофида баҳс-мунозара уюштирилди.

**●ЎТГАН** куни Юнусобод туман ҳокимлигида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Маънавият ва маърифат» марказлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган анжуманда маънавиятни юксалтиришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида сўз борди.

**● СОБИР** Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий маҳалласида фаол аёллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Қизлар тарбиясида онанинг роли» деб номланди.

**Ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## АНЪАНАВИЙ ОЙЛИК ДАВОМ ЭТАЯПТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИГА МУВОФИҚ ЮРТИМИЗДА ШУ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН БОШЛАНГАН «ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси мазкур тадбирни самарали ўтказиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти.

Пойтахтимизда транспорт қатнови мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча тиғиз. Шу боис транспорт билан боғлиқ нохуш ҳодисалар бу ерда нисбатан кўпроқ учрайди. Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида ҳар йили 2,5 мингга яқин транспорт ҳодисаси содир бўлади. Бунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмиш, турли даражада тан жароҳати олиш ҳолатлари учрайди. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини янада хушёрроқ бўлишга чорлайди.

Бошқарма ходимлари ойлик доирасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги барча таълим муассасаларида, автокорхона ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этмоқда. Бундай тадбирлар ҳозирча Бектемир туманидаги «Истиқлол», Юнусобод туманидаги Фирдавсий, Сергели туманидаги Амир Темур, Ҳамза туманидаги Мирзо Иброҳим номидаги, Шайхонтоҳур туманидаги «Янги белтепа» каби маҳаллаларда ўтказилдики, уларда аҳоли фаол қатнашди.

Бундан ташқари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофидаги бекатлар аҳволи, йўл белгилари ва светафорлар яна бир бор кўрикдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, ҳаракат хавфсизлиги тарғиботига бағишланган 32 реклама панноси ўрнатилди.

Ана шу тадбирлар ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг самарали ўтишини таъминлашга, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Саммит арафасида*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

**15 ИЮНЬ КУНИ ХИТОЙНИНГ ШАНХАЙ ШАҲРИДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

ШҲТнинг бу галги олий даражадаги учрашуви айнан Шанхай шаҳрида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Беш йил муқаддам айни мана шу шаҳарда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чеккан эдилар.

Ташкилотнинг босиб ўтган йўли унинг фаолияти нечоғли самарали кечаётганлиги ҳақида яхши тасаввур беради. Янги аср бўсағасида халқаро майдонда кўп ўзгаришлар рўй берди. Евроосиёда, айниқса, Марказий Осиёда геосиёсий вазият кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўша даврда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан чегаравий масалаларни ҳал қилиш учун тузилган «Шанхай бешлиги» номли тузилма фаолият кўрсатар ва ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қараганда, бу ташкилот асосий вазифасини асосан бажариб бўлган эди.

Бундай шароитда очиқ ва самарали алоқалар механизмини сақлаб қолиш ва янги йўналишлар билан бойитиш аъзо давлатлар олдида янги имкониятларни очиши муқаррар эди. Шу билан бирга, минтақавий ташкилот ўз сафига Ўзбекистонни бирлаштирмаса, унинг тўла қувват билан ишлаши қийинлиги ҳам аён эди. Аввало, Ўзбекистон минтақамизнинг барча мамлакатлари билан бевосита чегарадош. Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, жумладан, транспорт коммуникациялари ва табиий заҳиралари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим ўрни янги ташкилотга аъзо давлатлар учун катта аҳамият касб этарди. Айни пайтда бу ташкилот Ўзбекистон учун ҳам талай янги имкониятларни очиб берарди.

Шу тариқа, 2000 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримов «Шанхай бешлиги»нинг Душанбе саммитида иштирок этди ва амалда ўша учрашувда бу тузилманинг мақомини кўтариш ва шаклини ўзгартиришга келишиб олинди. 2001 йилнинг 15 июнида эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Эътиборли томони шундаки, илк саммитда ШҲТнинг таъсис ҳужжати билан бирга, Терроpчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция ҳам имзоланди. Бу АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган воқеалардан уч ой аввал рўй берди. Яъни, ШҲТ халқаро миқёсда биринчи бўлиб терроpчиликка қарши ҳамкорликда қатъий зарба беришга қарор қилган ташкилот бўлди.

2002 йилнинг июлида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган саммитда ҳамкорликнинг мақсадлари, тамойиллари ва йўналишларини ўзида акс эттирган ШҲТ Хартияси қабул қилинди ва ташкилотнинг халқаро-ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Мазкур саммитда Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Котибиятни тузиш борасида ҳам келишувга эришилди.

2003 йил майда Москвада ўтган саммитда ташкилот фаолияти механизмларини такомиллаштириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилинди. Хитой вакили Чжан Дэгуан ШҲТнинг Ижрочи котиби этиб тайинланди. Шу йили Хитойда ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтган учрашувда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди.

2004 йилнинг январида Пекинда ШҲТ Котибиятининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Июнь ойида эса ташкилотнинг саммитига Ўзбекистон мезбонлик қилди. Унда ташкилотнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, пойтахтимизда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини очдилар.

ШҲТ қисқа вақтда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Аввало, ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди, алоқаларнинг синалган механизми қарор топди.

Шу билан бирга, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу бутун ШҲТ маконида барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий ахборот алмашиб борилаётганини, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётганини, терроpчилик ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётганини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани ҳам диққатга сазовор. Қатор давлатлар у билан ҳамкорлик қилиш, ташкилот сафига қўшилиш истагини билдирмоқда. Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон унда кузатувчи мақомини олган. ШҲТ БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар билан расмий алоқа ўрнатган.

Ташкилотнинг нуфузи ошишида унинг очиқлиги, бошқа давлатларга қарши қаратилмаганлиги ҳам муҳим ўрин тутади. ШҲТ ташқи алоқаларда хавфсизликнинг янги концепциясига, ички ҳамкорликда «Шанхай руҳи»га таяниб иш тутади. Аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида фарқлар бўлишига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенг ҳуқуқлилик, тараққиётга биргаликда интилиш —«Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмлари ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТнинг галдаги саммити ҳам ана шу руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Барча аъзо давлатлар унга пухта ҳозирлик кўрди. Саммитда давлатлар раҳбарлари беш йиллик ҳамкорлик натижаларини кўриб чиқиши, халқаро майдондаги ва ШҲТ минтақасидаги вазиятни таҳлил этиши, ташкилотни янада ривожлантириш йўлларини муҳокама этиб, ҳамкорлик кўламини ҳар томонлама кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, «юбилей саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади».

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бельгияда нашр этиладиган ва Европа Иттифоқининг барча мамлакатларига тарқаладиган «Diplomatic News» журналида «Марказий Осиёдаги модель» сарлавҳали мақола чоп этилди. Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва жорий йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасига бағишланди.**

**● Янги ўқув йилида бухоролик ногирон ўқувчилар уй шароитида компьютер орқали таълим ола бошлайди. Дарс соатлари икки бараваргача кўпаяди. Шу мақсадда ногирон болаларни масофадан ўқитиш билан шуғулланадиган Интернет мактаби ташкил этилади.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорининг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Сирдарё вилоят ҳокимлигида ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди.**

**● Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эзгу тадбирга қўл уриб, тизим тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг «Барҳаёт анъаналар» мавзуидаги фольклор санъати фестиваль-танловини уюштирди. Фестиваль-танловларида вазирлик тасарруфидаги 61 та олий таълим муассасаси ҳамда пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳридан яна 23 та бадиий ҳаваскорлик жамоаси қатнашди.**

**● Қашқадарёдаги «Эски масжид» театр-студияси томошабинларга яна бир янги спектакль тақдим этди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган бу мусиқали томошани режиссёр Авлиёқули Хўжақули шоир Исмоил Тўхтамишевнинг «Еркўрғон» достони асосида саҳналаштирди.**

**● Фидокорлар Миллий демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан Ангор туманидаги Ангор қўрғонида истиқомат қилаётган 30 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари Термиз шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Шунингдек, вилоят кенгаши томонидан яна 30 нафар кам таъминланган бошқа оилалар фарзандларига ҳам совға-саломлар улашилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраев бошчилигидаги қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Буюк Британия сафарида бўлиб қайтди. Сафардан кўзланган асосий мақсад чорвачилик ва ветеринария соҳасида тажриба алмашиш ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш бўлди.**

**● Паркент туманидаги «Сумча» оромгоҳида ёзги дам олиш мавсуми очилди. Бу ерда Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Меҳрибонлик уйларининг жами 500 нафар тарбияланувчилари 18 кун давомида мароқли дам олиб, соғлиқларини тиклашади.**

### ЖАҲОНДА

**● Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида 10-халқаро иқтисодиёт форуми ўз ишини бошлади. Ушбу нуфузли халқаро тадбирда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 3 мингга яқин киши, жумладан, 400 нафар журналист иштирок этмоқда. Форумнинг бош мавзуси этиб ривожланаётган мамлакатлар бозори муаммолари белгилаб олинди.**

**● Осиё тараққиёт банки Индонезияга 60 миллион долларлик ёрдам кўрсатилишини билдирди. Ява оролига зилзила натижасида энг кўп зарар кўрган ҳудудлар билан танишиш мақсадида ташриф буюрган банк президенти Харихико Крода 10 миллион доллар грант кўринишида, 50 миллион доллар эса имтиёзли кредитлар сифатида топширилишини таъкидлади.**

**● Туркия мамлакатдаги дастлабки атом электр станциясини бунёд этишни режалаштирмоқда. Станциянинг тахминий қуввати 5 минг мегаваттни ташкил этиб, у Синоп шаҳри атрофида жойлашади. Унинг лойиҳаси бўйича таклифларни жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 11 та компания вакиллари билдиришди.**

**● АҚШ ҳудудига яқинлашиб келаётган «Альберто» тропик тўфони хавфи муносабати билан Флорида штатининг 20 мингдан ортиқ аҳолиси штат губернатори Жеб Бушнинг эвакуация тўғрисидаги буйруғига мувофиқ ўз уй-жойларини тарк этади.**

**● Германия шифокорлар касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги музокараларнинг учинчи босқичи натижасиз якунланди. Университет клиникалари ва федерал касалхоналари шифокорларининг иш ташлаши икки ойдан бери давом этмоқда. Агарда яқин кунларда келишувга эришилмаса, иш ташлашга муниципиал касалхоналар ҳам қўшилиши мумкин.**

**● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти индонезиялик яна икки нафар киши парранда грипига чалинган ҳолда ҳаётдан кўз юмганлигини тасдиқлади. Шу тариқа Индонезияда ушбу хавфли касалликдан ҳалок бўлган кишилар сони 33 тага етди.**

**● Норвегияга метеорит тушиб портлаганлиги маълум бўлди. Финляндия билан чегара атрофида жойлашган сейсмология станцияси томонидан аниқланган кучли шовқин овозининг метеоритнинг портлаши эканлиги олимлар томонидан тасдиқланди.**

*Маҳалланг — ота-онанг*

# ЗАҲМАТКАШНИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

**МАЪЛУМКИ, ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ҲАМДА ИСЛОҲ ЭТИШДА ТУРЛИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ — АЙНИҚСА, МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЎРНИ КАТТА ЭКАНЛИГИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.**

Ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини кўтариш, фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида унинг қонуний асослари яратилди. Амалдаги қонунчилик асосида якунига етаётган сайловларни кузатар экансиз, сайловчиларнинг фаоллиги, маҳаллага ким оқсоқол бўлишига бефарқ эмаслигини кўриб ушбу жараёнга катта тайёргарлик кўрилгани, аҳоли билан кенг қамровдаги тушунтириш ишлари олиб борилганини тушуниб етасиз.

— Туманимиздаги 18 та маҳалланинг ҳар бирида ҳисобот-сайлов йиғилишлари меъёрий ҳужжатлар, тегишли қонунлар асосида юқори кўтаринкилик, очиқ, ошкора, демократик руҳда ўтди, — дейди Яккасарой туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, туман сайловга кўмаклашув комиссияси раиси Рўзи Турсуналиев. — Тумандаги овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар сони 56.210 нафар бўлгани ҳолда уларнинг ишончли вакиллари сони 2120 нафарни ташкил этди. Бўлиб ўтган сайловларда 1778 нафар вакил, ихтиёрий равишда эса 504 нафар фуқаро иштирок этди. Иш жараёнини кузатиб яна бир бор тушуниб етдикки, аҳоли билан олиб борилган тушунтириш ишлари, тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари беиз кетмаган. Бўлажак сайлов ва номзодлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлганлари учун ҳам юрт учун фидойи, Ватан тақдири учун бефарқ бўлмаган, эл ичида обрў-эътиборли кишилар маҳалла оқсоқоли этиб сайланмоқда.

Туманимиздаги мавжуд 18 та маҳалланинг 5 тасида оқсоқол ўзгарди, Усмон Носир маҳалласига эса Дилбар Султонова фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Айрим маҳалла оқсоқоллари янгилангани ҳолда шу кунгача ишлаб келган оқсоқоллар қайтадан эл синовидан ўтишди. Сайланган маҳалла оқсоқолларининг 16 нафари олий маълумотли, икки нафари эса ўрта маълумотлидир. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари айниқса, Бобур, Юнус Ражабий, «Туркистон» маҳаллаларида ибратли тарзда ўтди. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, ҳар бир маҳалладан 4 нафаргача номзод оқсоқолликка даъвогар эди. «Ҳақиқат баҳсларда туғилади», деган нақл бекорга айтилмаган, албатта. Ҳар бир маҳаллада бўлиб ўтган сайловда тортишувлар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лекин пировард мақсад энг муносиб номзодни оқсоқолликка сайлаш бўлди.

Шу ўринда намунали ҳисобот-йиғилишларининг ўтказилишида маҳаллаларда иш олиб борган ишчи гуруҳи, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи, магистр ва талабалари катта ёрдам берганларини, сайловнинг мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчини тўғри тушунтирганлари учун ҳам кўнгилдагидек натижага эришилганини айтиб ўтиш керак. Шу билан бирга юртимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг вакиллари ҳам сайловларда фаол иштирок этиб унинг намунали, интизомли ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу ҳолат албатта бизни хурсанд қилди. Зеро, партия етакчилари, ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида турли учрашув ва тадбирларни ўтказиб халқ ичига кириб бормоқдалар. Бу йилги сайловларнинг яна бир эътиборли томони— унда ёшларнинг иштироки сезиларли равишда ортгани бўлди. Ўсиб келаётган ёшларнинг юрт тақдирига бефарқ эмаслиги эса баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадимизга албатта ҳамоҳангдир. Халқ ишончини қозониб элга, бош бўлишдек масъулиятли вазифага муносиб деб топилган маҳалла оқсоқоллари ишонаманки, элу юртимиз бахт-саодати, ободлиги, тинчлиги, тотувлиги йўлида белни маҳкам боғлаб ишга киришадилар.

Пойтахтимизнинг энг кенжа туманларидан саналмиш Сергели туманидаги 33 та маҳаллада ҳам бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари унда иштирок этиб, халқ фикрини ўрганган мутасадди ва қатнашчиларнинг баҳолашига кўра намунали деб айтишга лойиқдир. Жумладан, 105968 нафар овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар фикрини ўзида жамлаган 3532 нафар вакиллар, 843 нафар сайловларда ихтиёрий равишда, Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда қатнашган фуқаролар билан ўз қарашларини, маҳалла тақдири, эртанги озод ва обод кунимиз учун масъул бўлган маҳалла оқсоқолига қўйиладиган талаб-истакларини баён этдилар. Шунингдек, кўпчиликнинг ихтиёрий, очиқ овоз беришлари, ўз фикрларини эркин ифода этишлари учун шарт-шароит яратдилар. Шундай қилиб 33 та маҳаллада бўлиб ўтган сайловларда 18 та маҳалла оқсоқоли алмаштирилди, 3 нафар аёллардан фуқаролар йиғини раислари сайланди. Халқ ишончини қозонган маҳалла оқсоқолларининг 20 нафари олий маълумотлидир.

— Кўпмиллатли туманимизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларини кузатиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, давлатимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик халқимиз назаридан четда қолмаётган экан, дейди Сергели туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Холхўжа Умаров.— Она -Ўзбекистонимизда бир оила фарзандларидек яшаб келаётган турли миллат вакиллари юрт ривожи, тинчлиги, бирдамлиги, равнақи йўлида эзгу ишларга тайёр ва ҳамиша давлатимизни қўллаб-қўлтиқлайди. Абдураҳмон Жомий, «Янги ҳаёт», «Обод» каби қатор маҳаллаларда сайлов ниҳоятда кўтаринкиликда, фаолларнинг танқидий фикрлари, келгусидаги режалари, амалга ошириладиган хайрли ишлар тўғрисидаги қизғин баҳс-мунозаралари билан жонли ўтди. Сайловларда 355 нафар оқсоқол маслаҳатчилари халқ хоҳиш-иродаси ҳисобга олинган ҳолда сайландилар. Эл ташвишини ўз дардидек қабул қиладиган, ҳамиша ёрдамга шай, беминнат ёрдам қўлини чўзадиган оқсоқоллар ёнида улар энди баҳамжиҳат, бамаслаҳат иш олиб борадилар.

Дарҳақиқат, халқ ишончи — энг олий қадрки уни назардан қолдириш, эътиборга олмаслик кутилмаган нохушликларга олиб келади. Шундай экан эл эъзозига лойиқ топилган оқсоқоллар улар ишончини албатта оқлайдилар, деб ишонамиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

---

**ҲАДЕМАЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ БОШЛАНАДИ. БУ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАН ЁШЛАР УЧУН ИЛК КАТТА СИНОВДИР. ҚАЙСИ БИТИРУВЧИ ТАЛАБА БЎЛИШ ОРЗУСИДА ЁНМАЙДИ, ДЕЙСИЗ?! ШУ БОИС ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ КАТТА ҲАЯЖОН БИЛАН ТАЙЁРГАРЛИКНИ АЛЛАҚАЧОН БОШЛАБ ЮБОРГАНЛАР, ЎТГАН ЙИЛИ ОМАДИ КЕЛМАГАНЛАР ЭСА, БУ САФАР АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҒИ АНИҚ.**

# 2006/2007 ЎҚУВ ЙИЛИ: ҚАБУЛ МИҚДОРИ КЎПАЙДИ !

Бу йил неча нафар ёшлар талабалик бахтига муяссар бўлиши мумкин? Бакалавр даражасини олган яна қанча иқтидор эгалари таҳсилни давом эттириш имкониятга эга бўлади? Шу ва шу каби саволларга куни кеча эълон қилинган мамлакатимиз Президентининг "2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қароридан аниқ жавоб топиш мумкин. Қарорга кўра, 2006/2007 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604, шу жумладан, 19945 давлат грантлари ва 31659 тўлов-контракт асосида белгиланган. Бу ўтган йилги қабул миқдоридан 429 тага кўп демакдир. Магистрлар тайёрлаш бўйича эса умумий қабул сони — 6500, шу жумладан, 1500 давлат грантлари, 500 тўлов-контракт асосида белгиланган. Ўтган йили эса бу миқдор 6200 тани ташкил этган. Демак, бу йил магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони ўтган йилга қараганда 300 тага кўпайган. Бу ҳолни олий таълим муассасалари ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга бўладиган қабул сонидан ҳам кўриш мумкин: ўтган йили махсус сиртқи бўлимларга умумий қабул сони 5065 белгиланган бўлса, бу миқдор жорий ўқув йилида 5665 тани ташкил этади. Маълумки, Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлар, жумладан болалар спорт мураббийлари қабул қилинади ва уларга бакалавр даражаси берилади.

2006/2007 ўқув йилида олий таълим муассасаларига умумий қабул миқдорининг сезиларли равишда ортганини асосан иккита омил билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, шубҳасиз, иқтидорли ёшларнинг таълим олишларига янада кенгроқ имконият яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Иккинчидан, замон талабларидан келиб чиқиб, бошқа соҳалар қатори хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер хўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни қондиришдир.

**"Туркистон-пресс"**

---

*Танловлар*

# МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

**МАЪНАВИЯТ ИНСОНГА ҲАВО ВА СУВДЕК ЗАРУР. ЗЕРО, ИНСОН МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИДАН ОЗИҚ ОЛИБ ЯШАЙДИ. МАЪНАВИЯТ ИНСОНГА ОНА СУТИ, ОТА НАМУНАСИ ВА АЖДОДЛАР ЎГИТИ БИЛАН БИРГА СИНГАДИ.**

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир». Дарҳақиқат халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Инсон маънавияти — ўз халқининг тарихи, қадриятлари, маданияти ва ўзлигини англашда чуқур билимларга суянгандагина қудратли кучга айланади. Шундай экан ҳозирги кунда мактабларда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш, мактабларда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ишини ўрганиш ва тажрибаларини оммалаштириш, синфдан ташқари ташкил этилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда ёш директор ўринбосарларига амалий ёрдам бериш мақсадида республикамизда илк бор «Энг ижодкор маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари» кўрик-танлови ўтказилди. Яқинда «Авиасозлар» маданият саройида мазкур кўрик-танловнинг якуний шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда туман халқ таълими бўлими мудирлари, бош мутахассислар, барча умумтаълим мактаблари раҳбарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирок этдилар. Унда туман миқёсида ўтган танловда энг юқори балл тўплаган уч нафар иштирокчи — Миробод туманидаги 83-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ирина Борисова, Ҳамза туманидаги 204-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зиёда Ғаниева ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Наргиза Маткаримова ўзаро беллашдилар. Иштирокчилар танловнинг уч шарти, яъни «Таништирув ва муаммоли саҳна кўриниши», «Педагогик вазият», «Менинг бўш вақтим» сингари шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратлари, истеъдодларини намоён қилдилар. Ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишларини одилона баҳолаб борди. Айтиш жоизки, мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосаридек масъулиятли, мураккаб, аммо шарафли касб эгаларининг асосий қисмини аёллар ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратмоқда. Бу соҳа вакиллари ҳам боланинг беғубор қалбини тебратувчи, унинг фикру дунёсига таъсир қилиб, олам сирларини очгувчидир.

Куй-қўшиқлар остида ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтган танлов якунида ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар аниқланди. Танловда энг юқори балл тўплаб юқори педагогик маҳоратини намоён этган Ҳамза туманидаги 204-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зиёда Ғаниева биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ўрин Миробод туманидаги 83-мактаб директор ўринбосари Ирина Борисова, учинчи ўрин Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактаб директор ўринбосари Наргиза Маткаримовага насиб этди. Ғолиблар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

— Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад мактабларда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, шу йўналишда фаолият олиб бораётган директор ўринбосарлари ишини ўрганиш ва шаҳар миқёсида тажрибаларини оммалаштириш, маънавият ва маърифат хоналарининг самарали фаолият олиб боришини таъминлашдир, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолиддин Камолов.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: танловдан лавҳа**

---

**ХАЛҚИМИЗДА «ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ» ДЕГАН НАҚЛ БОР. БИНОБАРИН, КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ ҲИСОБЛАНМИШ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИДА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИНИ УЮШТИРИШ ХАЙРЛИ АНЪАНАЛАРИМИЗДАН БИРИГА АЙЛАНГАН.**

*Ёз—ўтади соз*

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИКЛАРИ ТИКЛАНАДИ

Шу маънода Тошкент шаҳридаги Мактаб ўқувчиларини таътил кунларида дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ёзги таътил кунларида 42503 нафар ўғил-қизлар Тошкент ва пойтахт вилояти ҳудудидаги соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли ҳордиқ чиқаради. Бундан ташқари, шаҳримизнинг 32 та умумтаълим мактаблари қошида ҳам 11467 нафар ўқувчилар учун кундузги оромгоҳлар ташкил этилган.

Бу йили мингдан зиёд Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларининг ҳам имтиёзли йўлланмалар орқали оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилган.

Куни кеча Тошкент темир йўл вокзалида оромгоҳларга кузатиш учун Оролбўйи минтақаси меҳнаткашларининг фарзандларини бағрига олган поезд кутиб олинди. Айтиш мумкинки, бу хайрли иш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси қарорида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унга кўра Оролбўйи минтақаси меҳнаткашларининг 3500 нафар фарзандлари ёзги таътилда бепул йўлланмалар билан ҳордиқ чиқарадилар.

—Жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея эътироф этилгани ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги оромгоҳларда қорақалпоқ меҳнаткашларининг 2500 нафар фарзандлари ўз соғлиқларини тиклашлари ва ҳордиқ чиқаришлари мумкин,—дейди «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳаммадкарим Отажонов.— Хусусан, бизнинг корхонамиз тасарруфидаги «Гулистон» дам олиш оромгоҳи ҳар бир босқичда 600 нафар ўқувчини ўз бағрига олишни режалаштирган. Оромгоҳимиз қарийб 54 гектар майдонга эга бўлиб, 4 та спорт майдончаси, 6 та ҳар хил йўналишдаги тўгараклар болажонларимизнинг мавсум давомидаги мазмунли дам олишлари йўлида хизмат қилади.

Биз фурсатдан фойдаланиб Оролбўйи минтақасидан ташриф буюрган ўқувчилардан бирини суҳбатга тортдик.

— Дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришни анчадан бери орзу қилгандим, — дейди Нукус шаҳридаги 26-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Сарвар Саидов. — Ниҳоят, орзуим ушалиб, «Гулистон» дам олиш оромгоҳига йўлланма олдим. Спортга ва бадиий китоблар ўқишга қизиқаман. Шу боис дам олиш жараёнида ҳар икки йўналишга ихтисослашган тўгаракларга қатнамоқчиман.

Шу куннинг ўзидаёқ 540 нафар болажонлар 5 та болалар дам олиш оромгоҳларига махсус автобусларда кузатилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент темир йўли вокзалида Оролбўйи минтақасидан келган дам олувчи ўқувчиларни кутиб олиш ва оромгоҳларга кузатиш маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

---

*Иқтисодиёт*

# «ФАЙЗ» МЕБЕЛЛАРИ

**ИДОРА ҲАМДА ОФИС, ХОНАДОН ВА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШДА, УЛАРГА АЛОҲИДА ЧИРОЙ БАҒИШЛАШДА, ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШДА «ФАЙЗ» ХОЛДИНГ-КОМПАНИЯСИ МЕБЕЛСОЗЛАРИНИНГ ҲИССАСИ КАТТА.**

Бугунги кунда холдинг компания таркибида 30 та корхона фаолият кўрсатиб, мебель турлари кўпайишига, сифати ва рақобатбардошлиги ортишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, импорт ўрнини босувчи ошхона, ётоқхона, меҳмонхона, юмшоқ мебель термалари, стол-стул ва бошқа жиҳозлар харидор талабини ўрганган ҳолда тайёрланаётганлиги буюртмачилар сафини оширмоқда.

Компаниянинг пойтахтимиздаги «Файз-мебель» корхонасида малакали мебелсозларининг сайъ-ҳаракати билан ишлаб чиқарилаётган хонадон ва офис мебеллари замонавийлиги, юксак дизайни ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Германиядан келтирилган ускуналар қувватидан унумли фойданиб тайёрланаётган 50 дан зиёд турли-туман мебеллар корхонанинг фирма дўкони орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Энг асосийси эса чет элникидан асло қолишмайдиган маҳсулотлар бежиримлиги ва сифати билан нафақат ички бозорда, балки хориж бозорида ҳам ўз ўрнини топмоқда.

# ЭКСПОРТ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

**МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН ФАҚАТ СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС. РАҚОБАТБАРДОШЛИК БОРАСИДА ТОВАРНИНГ ЎРАЛИШИ ВА ҚАДОҚЛАНИШИГА ҲАМ КАТТА АҲАМИЯТ ЗАРУР.**

Йил охиригача ўз маҳсулотларини Америка ҳамда Россия давлатларига экспорт қилиш мақсадида изланаётган «FAVSA-Textile» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари хориж бозорини ҳам ўрганишмоқда.

—Бугунги кунга келиб 10 турдан зиёд эркаклар пайпоғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик,—дейди корхона раҳбари Файзулла Толипов. —Маҳсулотларимизни цехларимизга ўрнатилган хорижий тўқув ускуналари қувватидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқараяпмиз. Илк маҳсулотларимизни маҳаллий хом ашё—пахтадан тайёрлаган бўлсак, айни кунларда сунъий иплардан ҳам самарали фойдаланган ҳолда харидор талаб ва эҳтиёжига яраша товарлар ишлаб чиқараяпмиз. Бир нечта қўшимча ишчи ўринлари ҳам очдик.

Тадбиркорлар йил охиригача ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятида. Бунинг учун эса Туркия, Англия, Америка ҳамда Жанубий Кореядан янги дастгоҳлар келтириб ўрнатиш режаланган. Шу асосда маҳсулот турларини кўпайтириш, сифати юқорилигига эришиш кўзда тутилмоқда.

**Шарифа БАҲРОМОВА**

*Маънавият*

# ЖАМИЯТНИНГ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН «ФАЙЛАСУФЛАР МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ» ТОМОНИДАН ТАЛАЙГИНА КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛМОҚДА. ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ БЎЛГАН ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР МУАЛЛИФЛИГИДА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ҲАМ ЯРАТИЛМОҚДА.**

«Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари» деб номланган тўплам ҳам талаба-ёшлар учун фойдали ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда.

«Миллий истиқлол ғояси» нашри эса изоҳли кўргазмали воситалар тўплами сифатида юзага келди. Бундан ташқари «Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият», «Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси» каби китоблар ҳам ўқув адабиётлари сифатида тақдим этилди.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МОНОГРАФИЯ

**ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ СОҲАЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРГА АТРОФЛИЧА БИЛИМ БЕРИЛАДИ. «МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ», «АУДИТ» КАБИ БИЛИМЛАРДАН ҲАМ ЧУҚУР ТУШУНЧАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШАДИ.**

«Савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари» деб номланган монографиянинг чоп этилиши ҳам айни муддао бўлди. Тошкент молия институти томонидан босмага тайёрланган мазкур янги нашр энг яхши ўқув адабиётларидан бири деб топилди.

Монография иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида савдо-тижорат корхоналари фаолиятини кенгайтиришда ҳам муҳим тадқиқот сифатида аҳамиятлидир.

# КИЧКИНТОЙЛАР СЕВГАН КИТОБЛАР

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ ТОМОНИДАН БОСМАГА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КИТОБЛАР ОРАСИДА БОЛАЛАР АДАБИЁТИГА ДОИР ТЎПЛАМЛАР ҲАМ БОР.**

Нашриётда болалар бўлими ташкил этилганига ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Бу орада 200 га яқин номда чоп этилган нашрлар кичик китобхонларга тақдим этилди. Лотин ёзувида чиқарилаётган тўпламлар ҳам ортиб бормоқда.

Жаҳон адабиёти намояндаларининг ҳам бир нечта асари босиб чиқарилди. Марк Твен, Жек Лондон, Жонатан Свифт каби машҳур адиблар китоблари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Давлат рамзлари ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар ёшларда қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан «Болалар кутубхонаси», «Ўсмирлар кутубхонаси» туркумидан бир нечта бадиий асарлар китоб қилиб чиқарилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

UJMSHU
TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА

## ХУЖМШ: МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ МУЛКИМ

*Ширкат — ибрат*

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**ҲАР БИР ТАНЛОВНИНГ ЎЗ МАҚСАДИ ВА ИШТИРОКЧИЛАР ОЛДИГА ҚЎЙГАН ШАРТЛАРИ БЎЛАДИ. АНА ШУ МАҚСАДНИ ТЎЛА АНГЛАБ, ШАРТЛАРНИ МУКАММАЛ УДДАЛАГАН ИШТИРОКЧИЛАРГА ЭСА, АЛБАТТА ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ.**

Шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонасида ўтказилган танлов ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросимида ҳам ана шу нарсага эътибор қаратилди. Ушбу кўрик-танловни Урбан институти (Тошкент) USAIDнинг «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш лойиҳаси» доирасида ташкил этган. Мамлакатимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида ўтказилган ушбу танловдан кўзланган асосий мақсад уларнинг фаолиятидаги энг яхши тажрибаларни оммалаштириш ҳамда молиявий кўмак беришдан иборатдир.

— Биз ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида жойларда ташкил этилган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз, — дейди лойиҳа раҳбари Ирина Генцлер. — Танловимизнинг асосий мақсади хусусида тўхталадиган бўлсак, республикада хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари демократик бошқаруви тажрибасини ривожлантириш ва кенг ёйишдир. Шуниси қувонарлики, ушбу тадбирни 4 йилдан буён ўтказиб келаётган бўлсак, унда иштирок этувчилар сафи ҳам, доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, бизни қувонтиради. Чунки ҳар бир иштирокчининг фаолиятлари, изланишлари, мақсадлари ўзларига яраша. Лекин барчасида бир мақсад мужассам — у ҳам бўлса кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига қулайликлар яратиш, намунали хизматни ташкил этиш, уларнинг ишончини оқлашдир.

Албатта, бундай рағбатлантиришлар самарасини шунда кўриш мумкинки, 2003 йилда ушбу танловда 11 та, 2004 йилда 25 та, 2005 йилда 59 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари қатнашган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 71 тага етди. Шулардан 32 таси битта уйдан иборат ширкатлардир. Шу ўринда пойтахтимиз иштирокчиларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, чунки ҳар йилги танловларда кўплаб хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Шунингдек, ғолиблар кўрсатилган молиявий кўмакдан самарали фойдаланаётгани уйлар кўркида акс этмоқда.

Жорий йилдаги танловда ҳам пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 8 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштирок этди. Шуни мамнуният билан айтиш кеpакки, танловнинг барча талабларига жавоб берган «Олмазор-саккиз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мутлақ ғолиб бўлиб, 5 минг АҚШ долларилик грантни қўлга киритди. Тадбиркор ва ғайрат-шижоатли раҳбар Аҳмад Рашидхўжаев бошқараётган ушбу ширкатда кўпгина намунали ишлар бажарилмоқда.

— Шубҳасиз, ушбу маблағни уй-жой фондини яхшилашга сарфлаш ниятидамиз, — дейди Аҳмад Рашидхўжаев. — 500 квадрат метр томни ёпиш учун тендер эълон қилганмиз, шунингдек, уйимизга Украинада ишлаб чиқарилган ва тажрибада самара берган «СВТУ-10М» маркали иссиқ сув ҳисоблагичи сотиб олиб ўрнатиш ниятидамиз. Албатта, ушбу рағбат бизни янада эзгу ишларга ундайди, турар-жойимиз кўрки, ободлиги ортади. Бу борада ширкат аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, «Адолат сари» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (раиси Юсуф Эшонқулов) 3-ўринга муносиб топилди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга рағбатлантирувчи мукофотлар ҳадя этилди. «Олмазор-бир» (раиси Тоҳир Турғунов), «Скопльe-коммуналчи» (раиси Анвар Раҳимов), «Файзлик» (раиси Нина Тюгай), «Ка-файз» (раиси Валентина Ракушева) хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ана шундай рағбатлантирувчи мукофотларни қўлга киритди.

Тадбир сўнгида барча иштирокчиларга ҳам совғалар топширилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА:** бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

---

## ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ:

# ҚОНУН ТОМОНИДАН ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЯНГИ ЖИҲАТЛАР

**(Давоми. Боши ўтган саҳифада)**

Ширкат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

●ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини белгилаш;

●ўз мол-мулкини, шу жумладан, айланма маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил тасарруф этиш.

**Қонуннинг 15-моддаси**

Ширкатнинг пул маблағлари қуйидагилардан таркиб топади:

Ширкат аъзоларининг мажбурий ва ихтиёрий бадаллари ҳамда ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда)

**Қонуннинг 37-моддаси**

Ўзини ўзи бошқариш принципи:

Ширкат ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

**Қонуннинг 3-моддаси**

Қонунга мувофиқ:

●Ширкат бошқарувининг қарорлари бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

●Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор, агар ширкат аъзоларининг эллик фоиздан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

●Умумий йиғилишда сайланган бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди

●Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида сайланган бўлиб, ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади

**Қонуннинг 22,24,25, 27-моддалари**

### ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ПРИНЦИПИ

Ширкат фаолиятига оид энг муҳим масалалар бўйича қарорлар ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилиниб бу йиғилишларда фақат ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, улар ваколатли ҳисобланади.

**Қонуннинг 20-моддаси**

Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак

Агар ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, мажбурий бадаллар миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш киритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт.

**Қонуннинг 20-моддаси**

Ширкат аъзолари ширкат бошқарувининг мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишлари мумкин

**Қонуннинг 24-моддаси**

Ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш принципи

Коммунал хизматлари ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат

Қонун кўп квартирали уйда бошқариш, сақлаш ва таъмирлашнинг турли йўлларини белгилайди:

Умумий мол-мулкни бошқариш:

● ширкатнинг бошқариш органлари;

● бошқарувчи (ижро директор) — жис моний шахс, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркор;

● бошқарувчи ташкилот — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс томонидан амалга оширилиши

**Қонуннинг 33-моддаси**

Умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш ишлари:

Ширкат (штат ходимлари);

жой мулкдорлари;

пудратчилар (жисмоний ёки юридик шахслар) томонидан бажарилиши мумкин.

Бошқариш, сақлаш ва таъмирлашнинг энг муносиб йўлини танлаш ширкат аъзоларини умумий йиғилишини ваколатига киради.

**Қонуннинг 19,15-моддалари**

### *УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА РАҚОБАТ ПРИНЦИПИ*

Қонун ширкатнинг уй-жой ва коммунал хизматлари бозорида буюртмачи бўлиш ҳаққини белгилаб, уй-жой хизматлари бозорини ва иш бажарувчилар пудратчилар ўртасидаги рақобатни ривожлантиришга имкон беради.

**Қонуннинг 25-моддаси**

Бошқарувчиликка (ижро директорликка) номзодларнинг ёки бошқарувчи ташкилотни ҳамда пудратчиларни танлов асосида танлаб олинишини ташкил этиш;

Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари бўйича танлов ғолиблари билан шартномаларни тузиш ширкат бошқарувининг ваколатларига киради.

**Қонуннинг 25-моддаси**

Ширкатнинг бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан ҳамда пудратчилар (танлов ғолиблари) билан муносабатлари шартнома асосида юритилади.

**Қонуннинг 25,33 ва 34-моддалари**

### *УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ОЛДИДА МУНТАЗАМ ҲИСОБОТ БЕРИШ ПРИНЦИПИ*

Ширкат бошқаруви ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳар йили қуйидаги масалалар бўйича ҳисобот беради:

●умумий мулк, ер участкаси ва ширкат мулкини сақлаш бўйича йиллик иш режасини бажариш

●ширкатнинг даромад ва харажатлар йиллик сметасини бажариш

Қонун қўшимча ҳисоботларни белгилади:

ширкат бошқаруви **МУНТАЗАМ РАВИШДА**, уч ойда камида бир марта қуйидагилар ҳақида ширкат аъзолари олдида ҳисобот беради:

●умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаларининг бажариши;

●амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган харажатлар;

●мажбурий бадаллар ва тўловларнинг йиғими;

●тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда).

Ҳисобот тақдим этиш шакли ширкатнинг барча аъзолари учун ҳисоботдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши керак ва у ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

**Қонуннинг 25-моддаси**

Бир неча уйлардан иборат ширкатлар учун Қонунда бошқарув ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилиши олдида ҳисобот бериши шартлиги таъкидланган.

**Қонуннинг 23-моддаси**

Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ҳар йили ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ширкат тафтиш комиссиясининг ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунига қадар учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

**Қонуннинг 27-моддаси**

Қонун ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатларини кенгайтирди

### *УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЯНГИ ВАКОЛАТЛАРИ:*

●бошқарув раисини сайлаш;

●умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш усулини танлаш;

●умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш ишларининг йиллик режасини ҳамда унинг тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

●ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш;

●бошқарувчиликка (ижро директорликка) номзодни ёки бошқарувчи ташкилотни тасдиқлаш;

●ширкат бошқаруви раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;

●ширкат ходимларининг, шу жумладан, бошқарувчи (ижро директорининг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;

●кўп квартирали уйдаги жойларни қайта қуриш, ўзгартириш ва қайта жиҳозлашни келишиб олиш тартибини белгилаш;

●умумий мол-мулкни ижарага бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

●қарз маблағлари олиш, жумладан битта уйдаги жой мулкдорларининг маблағларини ширкатдаги бошқа уйнинг эҳтиёжлари учун олиб туриш (қайта тақсимлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

●умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

●ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳамда улардан чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

●бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директор) лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек) ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш.

**Қонуннинг 19-моддаси**

Ширкат Бошқарувининг янги ваколатлари:

●умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш ишлари режасининг лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

●ширкат устави талабларининг ва ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

●бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодларнинг ёки бошқарувчи ташкилотнинг танлов асосида танлаб олинишини ташкил этиш;

●пудратчиларни танлов асосида танлаган ҳолда умумий мол-мулкка, ширкатнинг мол-мулкига хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш учун буюртмачи вазифаларини бажариш;

●танлов ғолиби билан умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун шартномалар тузиш;

●ширкат аъзолари белгиланган мажбурий бадаллар ва тўловларнинг ўз вақтида тўлашлари устида назорат қилиш ҳамда қарздорликни тугатиш чораларини кўриш;

●ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;

●ширкат аъзоларининг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

●ҳисоботини, маблағлар тушуми ҳамда уларни сарфлаш ҳисобини ширкатдаги кўп квартирали ҳар бир уй бўйича алоҳида-алоҳида юритиш;

**Қонуннинг 25-моддаси**

Қонун ширкат раисининг ваколатларини қисқартириб, бошқарувга коллегиал органи сифатида кўпроқ ваколатларни берди

Бошқарув раисининг ваколатларида янгилик:

●ширкат бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади;

●ширкат аъзоларининг умумий йиғилишининг ва ширкат бошқарувининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

●ширкат аъзоларининг умумий йиғилишининг ёки ширкат бошқарувининг қарорларига мувофиқ молиявий ҳужжатларни, шартномаларни имзолайди;

●ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва ширкат бошқарувининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

● умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўроатиш ҳамда уларни таъмирлаш усуллари бўйича, бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзод ёки бошқарувчи ташкилот бўйича бошқарув томонидан тайёрланган таклифларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритади

**Қонуннинг 26-моддаси**

### *ҚОНУН ШИРКАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРДИ*

**●Ташқаридан овоз бериш имконияти**

Ширкатни ташкил этишида:

Жой мулкдорларининг умумий йиғилишга ёзма шаклда берилган овозлари, агар унда ширкатни ташкил этиш масаласи бўйича мулкдорнинг қарори ва унга қарашли жой манзили кўрсатилган бўлса, ҳисобга олишига йўл қўйилади.

**Қонуннинг 10-моддаси**

**Ширкатда қарор қабул қилишда:**

Қарор қабул қилинаётганда йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича ширкат аъзоларининг қарори кўрсатилган ва имзоси қўйилган ҳолда йиғилишга ёзма шаклда берилган ширкат аъзоларининг овозлари ҳисобга олиниши ширкат уставида белгилаб қўйилиши мумкин.

**Қонуннинг 22-моддаси**

**●Мулкдорнинг умумий мажлисда қарорларни қабул қилишда вакили орқали қатнашиш имконияти батафсилроқ таърифланган**

Жой мулкдорининг оддий ёзма шаклдаги (нотариал тасдиқлашсиз) ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзоларининг вакили бўлиши мумкин.

Ширкат аъзосининг—жисмоний шахснинг ишончномасида унинг паспортидаги маълумотлар кўрсатилади ва шахсий имзоси билан тасдиқланади. Ширкат аъзосининг—юридик шахснинг ишончномаси раҳбарнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

Ишончнома ширкат аъзосининг вакилига ширкат аъзоларининг битта умумий йиғилишида ёки ишончномада кўрсатилган вақт давомида барча йиғилишларида ширкат аъзосининг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб сўзга чиқиш ҳамда битта йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан ёхуд барча ҳолларда овоз бериш ваколатини бериши мумкин.

Агар бир шахс жой мулкдорларининг бир нечтасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беради.

**Қонуннинг 21-моддаси**

**(Давоми бор)**

---

*Таълим*

# ТАЛАБАЛАР ИЗЛАНИШЛАРИГА ЮҚОРИ БАҲО

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ ҚИЛИНГАН.**

Олий ўқув юрти бакалавр ва магистрларининг тадқиқотлари ҳам кутилган натижаларни бермоқда. «Пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил ва матбаа саноатлари техника ва технологияларининг долзарб муаммолари» деган мавзуда институтда ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида ҳам иқтидорли ёшлар тадқиқотлари яхши баҳоланди. Изланувчан бакалавриатура талабаси Гўзал Мажидованинг «Ипакчилик тармоғини ривожланишида озуқа манбаининг тутган ўрни» деган маърузаси эса энг яхши илмий изланиш деб топилди. Талабаларнинг матбаа саноати бўйича тайёрлаган маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

# ДАВР ТАЛАБИГА МОС

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА «МУСИҚА МАДАНИЯТИ» ФАНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА. ШУ ЙЎНАЛИШДА ЯРАТИЛАЁТГАН ДАРСЛИКЛАРДА МАСАЛАНИНГ УШБУ ТОМОНИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛГАН.**

Янги ўқув йилида фойдаланиладиган ўқув адабиётлари ҳам босмага тайёрланди. Биринчи ва иккинчи синфлар учун мўлжалланган «Мусиқа» дарсликлари эса такомиллаштирилган Давлат таълим андозаси асосида ёзилди. Тажрибасиновдан яхши ўтган 1-7-синфлар дарсликлари таълим қардош тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларига ҳам тақдим этилди. Улар мазкур тилларга таржима қилиниб, босмага топширилди.

# ИНСТИТУТ НАШРЛАРИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ЎЗИНИНГ ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШРЛАРИГА ҲАМ ЭГА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «ШАРҚ МАШЪАЛИ» ҲАМДА «ШАРҚШУНОСЛИК» ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРИ ҲАМ ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА.**

Кейинги йилларда бир нечта дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам босма юзини кўрди. «Араб тили дарслиги», «Ҳиндистоннинг янги тарихи» каби ўқув адабиётлари кўп нусхада чиқарилди.

Олий ўқув юрти томонидан босмага тайёрланаётган луғатлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Шу ўринда «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати», «Арабча-ўзбекча-русча луғат», «Лутфий девонининг изоҳли луғати»ни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Бу ерда «Ўзбекистон шарқшунослари» деган монографик тўпламларни яратиш ҳам яхши анъанага айланиб қолди. Бундан беш йил аввал ушбу китобнинг биринчи жилди кенг ўқувчилар оммасига тақдим қилинган эди. Яқинда унинг навбатдаги китоби рус тилида босиб чиқарилди.

Олий ўқув юртининг 15 йиллигига бағишланган мазкур китоб шу санага муносиб совға бўлади.

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ҚАТОР КОРХОНА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАБ КЕЛМОҚДА. МУСТАҚИЛ ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДАГИ СОҲА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ЯҚИН МУНОСАБАТ ҲАМ ЎЗ ИЖОБИЙ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА.**

Эндиликда олий ўқув юрти Россиядаги авиация таълими марказлари билан ҳам биргаликда фаолият кўрсатиш имконига эга бўлди. Уфа Давлат авиация техника университети бизнинг институтимиз билан ишлаш истагини билдирди.

Айни вақтда Уфа олий ўқув юрти Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан яқин алоқани йўлга қўйишга киришмоқда.

# ТУРКУМ АСАРНИНГ ДАСТЛАБКИЛАРИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР УСТАЛАРИ ОРАСИДА ТАНИҚЛИ РЕЖИССЁР СЕМЁН ЭГАЙ ҲАМ АЖРАЛИБ ТУРАДИ. БУ ИЗЛАНУВЧИ САНЪАТКОР ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН «ҚОРАБАЙИР», «БУХОРО БУҒУСИ» КАБИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ АСРАШ, «ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРГАН НОЁБ ЖОНЗОТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Режиссёр мамлакатимиз саноатининг йирик корхоналари ҳақида туркум экран асарларини яратишга ҳам киришди. Бу лойиҳа беш сериядан иборат бўлиб, республикамиздаги кон-металлургия корхоналари ҳақида ҳикоя қилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатига бағишланган ҳужжатли фильм эса экран юзини кўрди. Навоий кон-металлургия комбинати ҳақидаги фильм ҳам энг яхши ижод намунаси деб топилди.

Бу сериянинг навбатдаги фильмлари эса шу йили тугалланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

**Акбар АЛИЕВ**

Шарқ дурдоналари

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### АДАБ ҲАҚИДА

Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тавофутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари равнақ топади.

Баъзи ҳакимлар адабни энг маъсум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб—ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг жони.

### ҲИКМАТЛАР

- Одамлар икки нарса билан тақдирланадилар: яхшилик қилган — яхшилик билан, ёмонлик қилган— ёмонлик билан.
- Гапирмай пушаймон бўлиш гапириб пушаймон бўлишдан афзал.
- Насиҳат ҳақиқий даво, ундан ичган одам ёқимсиз хулқлардан озод бўлади.
- Нарсаларнинг энг яхшиси одамга қилинган ҳадядир.
- Шарм ва ҳаё фазилатларнинг улуғи.

### АҚЛ АҚЛДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ.

Билгинки, ҳикмат фазилатларнинг онасидир. Ҳикмат—барча илмларнинг булоғи, у ўлик қалбни тирилтиради, кишини боқий саодат сари етаклайди, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд қилади.

Бир доно айтади: «Агар бир одам ҳикматдан бир калима ўрганса, бу унинг учун дунёдаги ҳамма нарсадан яхшидир». Яна айтади: «Агар бир киши бошда бир кишига бир оғиз ҳикмат ўргатса, бу ҳикмат билан уни тўғри йўлга солиб юборса, бундан кўра яхшироқ ҳадя йўқ!»

Ҳаким Афлотун айтган эди: «Баданнинг жароҳати даво билан, жоннинг жароҳати эса ҳикмат билан тузалади».

Фарзанд—оила қувончи, ҳаётнинг лаззати фарзанд билан, фарзанд борки, одамнинг дили ёруғ, хонадони чароғон.

Бир калтабин киши: «Тўй қилсам, фалон машшоқларни олиб келиб, бир ном чиқарайки, тўйдан кейин гадой бўлсам ҳам майли», дерди. Унинг айтганича бўлди. Тўйга келганлар унинг аҳдидан хабардор бўлганлари учун, ҳамма нарсасини шилиб кетишди. Бечора тўй соҳиби эрталаб қўшнисидан битта чойнак ва иккита пиёла сўраб олиб чой ичди.

Ҳақиқий асар кишидан ғамни қувади, одамни тўғри йўлга етаклайди, йиллар ўтса ҳам қадру-қимматини йўқотмайди.

### АҚЛ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ақл инсон учун энг олий неъматлардан биридир. Ақл билан нарсаларнинг сир-асрорлари ўрганилади, илм ва маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади.

Бир ҳаким айтади: «Ақл—юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинмайди!» Бошқа ҳаким айтади: «Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради». Яна бир ҳаким айтади: «Ақл—жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти!» Бир ҳаким айтади: «Кишининг нафси ақлидан устун бўлса ундай одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ!»

### ҲИКМАТЛАР

- Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади.
- Энг яхши нарсалардан бири—олис йўлга чиққанда муносиб дўст билан қурилган суҳбатдир. Ёқимли дўст суҳбати олис йўлни яқин қилади.
- Чўққига чиқиб, харсангтош қулатиш бировнинг миннатини кўтаришдан енгилроқ.

### ПОКИЗА ХУЛҚ

Билгинки, инсон хилқати билан икки йўлга юришга қодир. Аввало у ўз феълини яхшилаши, хулқини поклаши, қалбини мусаффо қила олиши, ёки ёмон феълларга ўрганиб, разолат ботқоғига ботиши мумкин. Инсон ёшлигидан шу икки йўлнинг қай бирига мойил бўлса, бора-бора бу феъллар унинг табиатига мустаҳкам ўрнашиб бораверади.

Инсон ўз-ўзини поклаши учун доимо улуғликка етказувчи, саховатни барпо қилувчи, азизлик келтирувчи хислатларни эгаллашга интилиши ва буларни камайтирувчи феъллардан узоқлашиш йўлини қидириши лозим. Бундай хислатларга эга бўлишда эса, аввало ота-онанинг тарбияси ва таъсири кучли бўлиши зарур.

Ҳикоят. Икки даъвогарни қозининг ҳузурига олиб келишди. Ҳар иккови ҳам бир нарса устида бир-бирига даъво қилишар эди.

Қози биринчи даъвогарга қараб:

— Гувоҳинг ким?—деди.

— Худо!—деб жавоб берди даъвогар.

Мавлоно Қутбиддин Шерозий ҳам шу ерда ҳозир эди. У даъвогарга қараб:

— Гувоҳликка шундай кишини кўрсатгинки, қози уни танийдиган бўлсин!—деди.

Ҳикоят. Мавлоно Қутбиддин бадбашара ва бадфеъл бир одамдан:

— Исминг нима?—деб сўради.

— Одам!—деб жавоб берди у.

— Сенга одам деб исм қўйган кишига раҳматлар бўлсинки, агар бошқа исм қўйганда одамлигингни одамлар қаердан билишарди!—деди Мавлоно Қутбиддин.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси**

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Яккасарой туман кенгаши ўз фаолиятини 2006 йил январдан тугатганлигини билдирамиз. Туман кенгашининг ҳисоб рақами: 20212000104010220001. МФО 0035 ИНН: 201981926 ОКОНХ: 98600 Яккасарой Саноат қурилиш банки. Ташкилотга тегишли эътирозлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 398-79-25; 398-24-94

---

*14 июнь — Халқаро донорлар куни*

## ДОНОРЛИК — БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

**14 ИЮНЬ КУНИ БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ, ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ВА ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШКИЛОТИ, ХАЛҚАРО ҚОН ДОНОРЛАРИ ЖАМИЯТЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ҚОН ҚУЙИШ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ХАЛҚАРО ҚОН ДОНОРЛАРИ КУНИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН.**

Дарҳақиқат, донор бўлиш хайрли, фахрли ва савоб ишдир. Донорлар беморларнинг дардига малҳам бўлиб, уларнинг дуоларини оладилар. Таъкидлаш ўринлики, донорнинг қони энг чуқур текширувдан ўтказилади. Агар қонда бирорта касаллик аломатлари бўлса донорга хабар берилади ёки унинг ўзи қон таҳлили билан қизиқиб сўраши мумкин.

Донорлар кунининг махсус сана сифатида нишонланиши кишиларнинг донорларга миннатдорчилиги, уларга бўлган халқ эътибори, ҳурмати билан белгиланади. Ахир донорлик меҳр-мурувват, саховат демакдир.

Донорлар берадиган қон ва ундан олинадиган дори воситалари шифохоналарда, туғруқхоналарда кўплаб кишиларнинг ҳаётини асраб қолишда муҳим воситадир. Донорлар топширган қон, айтиш мумкинки, минглаб кишиларни ҳаётга қайтариб, уларнинг умрига умр қўшади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги даврда қон ва ундан олинадиган препаратлар тайёрлаш учун ишлатиладиган сунъий манба йўқ.

Қон ва унинг препаратларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги» тўғрисидаги Қонун билан белгилаб қўйилган. Ушбу Қонун қон ва унинг таркибий қисмлари соҳадаги муносабатларни тартибга солишда асос бўлиб келмоқда.

— Қон ва ундан олинадиган препаратлар тайёрлаш учун сунъий манба йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак,—дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори, ушбу соҳада таниқли олим, профессор Шавкат Қосимов,—ҳозирги пайтда донорларнинг, айниқса, бадалсиз қон топширувчи донорларнинг сонини кўпайтириш фуқароларимиз эътиборида бўлмоғи лозим.

2002 йилнинг 30 августида қабул қилинган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги» тўғрисидаги Қонуннинг мақсади фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ушбу қонун донорликни ташкил қилишда маҳаллий ҳукумат вакилларининг, корхона ва ташкилот раҳбарларининг фаоллигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бу жараёнларда уларнинг жавобгарлигини орттиради. Ушбу қонунга кўра донорлар ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт учун ихтиёрий равишда берувчи кишилар ҳисобланадилар. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг асосий тамойиллари унинг ихтиёрийлиги, қон топширувчи учун зарарсизлиги, у топшираётган қондан фойдаланиш хавфсизлигига асосланади.

Маълумки, қон киши ҳаётида, унинг организми рисоладагидек ривожланишида муҳим ўрин тутади. Қон суюқ тўқима бўлиб, тананинг етти фоизини ташкил қилади. Қоннинг ҳужайра қисми асосан кислородни ташиш вазифасини бажаради.

Соғлом одам танасида 5-5,5 литр қон бўлади. Ана шу қоннинг 4-8 фоизи ёки 200-400 миллиграммини донор сифатида топшириш киши соғлиғи учун умуман безарардир. Организм йўқотган қонни тўқималардан суюқлик захиралари ҳисобига бир неча соатда тўлдиради.

Маълумки, донорлар икки тоифага бўлинади. Биринчиси, доимий донорлар бўлиб, улар бир йилда тўрт маротабагача қон топшириб туришади. Улар қон қуйиш станцияларида рўйхатда турадилар ва ҳар олти ойда кўрикдан ўтадилар, давлат томонидан рағбатлантириб бориладилар. Доимий донорлар топширилган қон учун маълум миқдорда пул олиб туришади.

Донорларнинг иккинчи тоифасига беморларнинг қариндош-уруғлари ва ўз хоҳиши билан қон топширувчилар киради.

Шуни қайд этиш лозимки, донорлардан олинган қон чуқур лаборатория таҳлилидан ўтказилади. Агар қонда бирорта касаллик белгилари топилса, у зарарсизлантирилиб, ташлаб юборилади.

Албатта, ҳар қандай шахс ҳам донор бўла олмайди. Биринчидан, донор ўн саккизга тўлган бўлиши шарт. Иккинчидан, кишилар қачонлардир юқумли касалликлар билан касалланган бўлсалар, донорликка қабул қилинмайдилар.

Қон ва ундан олинадиган бошқа маҳсулотларнинг тоза ва сифатли бўлиши, бу маҳсулотлар орқали беморларга бирорта юқумли касалликнинг ўтиб қолиш хавфининг йўқлиги ҳолатига қон ва қоннинг маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш деб аталади.

Қон ва қон хавфсизлигини таъминлаш борасида Тошкент «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Корхонанинг лаборатория хизмати донор соғлиғини назорат қилиб боради. ОИТС ҳамда В ва С гепатит касаллиги инфекцияларининг юқиш хавфини олдини олиш мақсадида корхонада замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган диагностик лаборатория фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу лабораториянинг мавжудлиги қайд этиб ўтилган инфекцияларнинг юқиш эҳтимолини умуман йўқотади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг ташаббусига кўра шаҳримизда тайёрланадиган барча қон миқдори мазкур корхонада лаборатория назоратидан ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қон хизмати, уни такомиллаштириш масалалари бугунги кунда давлат аҳамиятига молик масалага айланмоқда. Бунга «Қон — инсонлар хизматида» нодавлат фонди ташкил этилгани ҳам далил бўлади.

— Бизнинг фондимиз,— дейди «Қон — инсонлар хизматида» фондининг ижрочи директори Шуҳрат Очилов,— Халқаро донорлар кунига катта тайёргарлик кўрди. Аввало фонднинг вилоятлардаги бўлимларининг фаол иштирокида июнь ойида жойларда «Донорлик ойи» ўтказилади. Шу ой мобайнида донорларнинг қон топшириш маросимлари ўтказилади, энг фаол донорлар рағбатлантирилади.

**Шавкат ЁҚУБОВ**

---

**ЯҚИНДАГИНА ЎЗИНИНГ ҚУТЛУҒ 50 ЁШИНИ НИШОНЛАГАН МАМЛАКАТИМИЗ ЧЕМПИОНИ, ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОШ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР» ЖОРИЙ ЙИЛГИ МАВСУМНИ ҲАМ БИРИНЧИ ЎРИН БИЛАН ЯКУНЛАШНИ НИЯТ ҚИЛГАН ЧОҒИ, МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БАРЧА УЧРАШУВЛАРИДА ХОҲ САФАРДА БЎЛСИН, ХОҲ ТОШКЕНТДА РАҚИБЛАРИ УСТИДАН АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАРГА ЭРИШМОҚДА.**

*Футбол*

## ЧЕМПИОН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Мамлакат чемпионатининг 13-тур беллашувларида ҳам «Пахтакор»га омад кулиб боқди.

Кейинги турларда анча муваффақиятли иштирок этиб ажойиб ғалабалари билан мутахассислару мухлисларни ҳайратга солган «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган Валерий Непомнящий шогирдлари тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишиб 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозабонини икки марта хато қилишга мажбур эта олишди ва муҳим уч очкога эга бўлишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Динамо» — «Локомотив» — 2:2, «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Хоразм» — «Насаф» — 2:4, «Нефтчи» — «Трактор» — 4:0, «Қизилқум» — «Шўртан» — 3:0, «Машъал» — «Андижон» 3:1, «Металлург» — «Тўпаланг» — 1:0.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 14-тур учрашувлари **БУГУН** бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

*Кўргазмалар*

## «ARTSKOP» — САНЪАТГА НАЗАР

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ОММАЛАШИБ, ЯНАДА КЎПРОҚ ИХЛОСМАНДЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАНИ КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМЛАРИ, АКАДЕМИКЛАР РАҲИМ АҲМЕДОВ, ЖАВЛОН УМАРБЕКОВ, БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ, АЛИШЕР МИРЗАЕВ, НИЁЗАЛИ ХОЛМЕДОВ, АКМАЛ ИКРОМЖОНОВ ВА ЖАМОЛ УСМОНОВЛАР НАФАҚАТ ИСТЕЪДОДЛИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ РАССОМЛАР, БАЛКИ ТАЛАБАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИБ КЕЛАЁТГАН МОҲИР УСТОЗЛАР СИФАТИДА КАТТА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШМОҚДА.**



«Пойдевори мустаҳкам бинонинг умри узоқ бўлади», деган гап бежиз айтилмаган, албатта. Шунинг учун ҳам келажак рассомларини ҳозирдан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Куни кеча кўпгина маҳаллий ва хорижий кўргазмаларга мезбонлик қилиб келаётган Халқаро маданият «Карвон-Саройи» кўргазмалар залида бўлиб ўтган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «ARTSKOP» бадиий йиллик кўргазмаси айнан шу мақсадлар сари йўналтирилган. Чунки ушбу кўргазма мазкур йилда илк бор очилаётган бўлиб, уни ташкил этишдан асосий мақсад, институт талабаларининг ижодий билим савиясини ошириш, яъни ёш рассомларни келгусида жаҳон миқёсидаги кўргазма ва танловларга тайёрлаш, янги истеъдод эгаларининг номларини кашф этишдир. Кўргазманинг антиқалиги шундаки, ундаги танлов шартларига кўра фақат Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олаётган талабаларгина қатнашиши мумкин ва ушбу кўргазма эркин мавзули ҳисобланиб иштирокчиларнинг иш намуналари ўлчамлари ва фойдаланган материаллари эса аҳамиятга эга эмас.

—«ARTSKOP» бадиий йиллик кўргазмасининг аҳамияти ва келажак режалари ҳақида гапирар эканмиз, — дейди санъатшунослик факультети декани, доцент Шоира Ғуломова, — кўргазмани нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамиз вилоятларида ҳам ташкил этиш ва анъана сифатида ҳар йили ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Кўргазма ташкилотчилари эндигина биринчи курсда таҳсил олаётганликларига қарамай, бунчалик муваффақиятларга эришиши биз, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатларимиз зое кетмаганлигидан далолат беради.

Тасвирий санъатнинг нафис тури бўлмиш рангтасвир санъати кўргазмада асосий ўринни эгаллаган. Хилма-хил услубий йўналишларда бажарилган, оригинал ечимлару бой рангларга, турли мавзуларга эга бўлган рангтасвир намуналари бу тадбирнинг савияси баланд эканлигини белгилаб берди. Натюрмортлар, пейзажлар, портрет ва миллий руҳдаги реалистик ва абстракт композициялар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Тасвирий санъатнинг яна бир йўналиши графика ҳам ўз мухлисларига эга эканлигининг гувоҳи бўлдик. Турли геометрик шакллардан ташкил топган декоратив композициялар экспозицияни янада бойитди. Ўзининг нозиклиги ва нафислиги билан ажралиб турадиган миниатюра санъати асарлари ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар эса ҳар галгидек фаолликлари билан ташкилотчилар ва мухлисларни хурсанд қилдилар. Ёғоч, гипс ва пластилиндан ясалган ҳайкаллар кўргазма залида марказий ўринларни эгаллади.

Санъатшунослик факультети талабалари нафақат санъат тарихи ва назарияси бўйича, ҳатто амалда ҳам маҳорат ва истеъдодга эга эканликларини исботладилар. Экспозициядан ўрин олган заргарлик буюмлари, ёғоч ўймакорлик намуналари ва албатта рангтасвир асарлари бўлажак санъатшунослар томонидан маҳорат билан ишланган.

Ҳозирда жадал ривожланиб бораётган бадиий фото ва плакат санъатлари ҳар доимгидек ўзининг ғоя ва мавзулари билан ажралиб туради. XXI аср ҳаёт муаммоларидан бўлган гиёвандлик, экология ва терроризм каби мавзуларни ёритиб бераётган бу асарлардан кўргазма долзарб тус олганини кузатишимиз мумкин.

Ушбу кўргазмада қирққа яқин талабаларнинг юздан ортиқ асарлари қўйилди, аммо олти йўналиш бўйича фақат олти нафар ғолиблар танланиши керак эди. Демак ғолиблар: магистратура 1-курс талабаси Х.Ўролов (рангтасвир), бакалавр 3-курс талабаси Н.Жўрабоев (миниатюра), санъатшунослик факультети 1-курс талабаси Б.Мавлонов (ёғоч ўймакорлик), 2-курс талабаси Т.Дадамуҳамедов (заргарлик), 1-курс талабаси Ж.Анназаров (ҳайкалтарошлик), 1-курс талабаси Р.Аҳмадеева (либос дизайни) талабалар учун керак бўладиган тасвирий санъатга оид китоблар ва ўқув анжомлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Умуман олганда «ART» — санъат, «SKOP» назар, «санъатга назар» маъносини англатади. Бу кўргазма эса айнан Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ талабалари санъатига назардир.

**Лобар АБДУЛЛАЕВА,**
**Сардор БОБОЕВ,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ 1-курс Санъатшунослик факультети талабалари**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар

---

## КУЧЛАР ТЕНГЛАШМОҚДА

**КЕЧА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ G ГУРУҲИДАН ЎРИН ОЛГАН ФРАНЦИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ТОГО, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, F ГУРУҲИ ВАКИЛЛАРИ—БРАЗИЛИЯ ВА ХОРВАТИЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ.**

Жанубий Корея — Того учрашувида кўпчилик ҳақли равишда Осиё қитъаси вакилларининг ишончли ғалабасини кутганди. Негаки, кореяликлар ўтган чемпионатда ярим финалда баҳс юритган бўлсалар, тоголиклар бундай нуфузли мусобақада илк бор қатнашаётган эдилар. Шунга қарамасдан ўйинда дарвозага дастлабки зарбани Того футболчилари бердилар. Улар номдор рақибларидан чўчимасдан майдонда эркин тўп сурдилар. Ва 31-дақиқада Того термаси ҳужумчиси Муҳаммад Қодир кучли ва аниқ зарба билан ҳисобни очди. Биринчи бўлимда Африка футболчиларининг қўллари баланд келди.

Иккинчи бўлимнинг 54- дақиқасида ўйинда бурилиш юзага келди. Того футболчиси Аболо иккинчи бор қўпол ўйнагани учун майдондан ташқарига чиқариб юборилди. Ва белгиланган жарима тўпини Ли Чен Су қойилмақом қилиб бажариб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шундан кейин тоголиклар бир оз тушкунликка тушишди. Ва бундан фойдаланган Ан Чжун Хван 72-дақиқада ҳисобни 2:1 га етказди. Шундай қилиб, тоголикларнинг тажрибасизлиги сабабли қизиқарли ўйин Жанубий кореяликларнинг қийин ғалабаси билан тугади.

Франция — Швейцария ўйинида ҳам бугунги кунда кучлари деярли тенг жамоалар тўп сурди. Ҳар иккала жамоа бирин-кетин ҳужум уюштириб турган бўлса-да, дарвозани забт этиш қийин кечарди. Биринчи бўлимда швейцарияликлар ҳужумчиси Александр Фрайнинг қисқа масофадан туриб тўпни тўсинга теккизганлиги ёдда сақланиб қолди. Тўп яна унга қайтиб келганида эса ўзини йўқотиб қўйиб, бўш дарвозани забт эта олмади.

Французлар эса Зидан, Анри, Виераларнинг саъй-ҳаракатлари билан тез-тез ҳужум уюштириб туришган бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаракатларида жипслик етишмади. Биргина Тьери Анрининг ўзи 4-5 марта қулай вазиятлардан туриб, тўпни дарвозага аниқ йўллай олмади. Шу тариқа мазкур беллашув 0:0 ҳисобида якунига етди. Мазкур баҳс Франция термаси ёши катта ўйинчиларининг вақти ўтганлиги, жамоани янгилаш талаб этилишини яна бир карра исботлади.

Ниҳоят сўнгги ўйинда майдонга Бразилия ва Хорватия терма жамоалари тушди. Бразилияликлар жанговар таркибда бўлиб, Роналдиньо, Роналдо, Лусио, Р.Карлос, Кака, Кафу, Адрианолар рақиблар дарвозаси томон хавф солиб туришди. Бироқ рақиблар ҳам чемпион жамоага нисбатан муносиб ўйин кўрсатишди. 44-дақиқада чамаси 25 метрлардан Кака (Бразилия)-нинг берган кучли зарбаси ўйинда ҳисобнинг очилишига олиб келди.

Иккинчи бўлимда жамоалар қанчалик ҳаракат қилишмасин ҳисоб ўзгармади ва Бразилия терма жамоаси дастлабки уч очконинг соҳиби бўлди.

Бугун Н гуруҳидаги Испания — Украина, Туркия — Саудия Арабистони жамоалари чемпионатдаги дастлабки ўйинларини ўтказишса, А гуруҳининг вакиллари Германия ва Польша иккинчи тур баҳсларини бошлаб беришади. Айтиш керакки, машғулотда енгил жароҳатланган Украина терма жамоасининг энг кучли ўйинчиси Андрей Шевченко ушбу ўйинда майдонга тушмаслиги ҳам мумкин.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

---

*Мунажжим башорати*

## ҲАР ИШДА МЕЪЁРГА РИОЯ ҚИЛИНГ

**15 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА**

**ПОКЛАНИШ ҲАМДА АСТРАЛ ҲУЖУМЛАР, ЁМОНЛИК ВА ТАЖОВУЗЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН МУРАККАБ КУНЛАРДАН БИРИ БУГУН. ДЕҲҚОНЧИЛИК ИШЛАРИ, ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ МУМКИН. ЛЕКИН БУНДА ЭҲТИЁТКОРЛИК, НАЗОКАТ ВА МЕЪЁРГА РИОЯ ЭТИШ КЕРАК, ЖАНЖАЛ-МОЖАРОЛАРДАН НАРИРОҚ БЎЛГАН МАЪҚУЛ.**

Бугун янги танишувлардан қочганингиз афзалроқ, зеро, бу танишув оқибатлари хунук бўлиб, кўп азиятлар келтириши мумкин. Қарзга пул бериш ва қарз олишдан, муҳим ҳужжатларни имзолаш, қасам ичиш ва ваъдалар беришдан ўзингизни тийинг. Иложи борича кўпчилик билан бирга ишлаш, гавжум жойлардан олисроқ бўлинг.

Шу куни кир ювиш, уй кўтариш, барча ахлатлар, эски ва нокерак нарсалардан халос бўлиш хайрлидир. Ҳовлиларга сув сепиб, хоналарга исириқ тутатиб чиқиш фойдали. Бугунги кун шунингдек дам олиш, шаҳар ташқарисида сайр қилиш, экинлар парвариши ва боғбонлик ишлари учун ҳам қулай ҳисобланади.

Ҳар турли белги ва аломатларга бугун эътибор бермасангиз ҳам бўлаверади.

Бу кеча кўрилган тушлар ҳам бирор қимматга эга бўлмайди.

Шу куни, айниқса кечга бориб, руҳий хасталиклар ҳамда қўрқув, ҳар турли қусурлар безовта қилиши мумкин. Юқумли касалликларга мойиллик кучаяди, таомлар ва бошқа хил егуликлардан заҳарланиш хавфи мавжуд, Ҳашаротлар зараридан ҳам ўзингизни асранг.

Кўзга ташланмайдиган, яшилликка монанд тусли кийимлар бугун сизга омад келтириши мумкин. Оқ, қизил ва қора рангли либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6